# ЎЗБЕКИСТОНДА МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ МАСАЛАСИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

**С.Н.Юсупова**

*Мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда меҳнат миграциясининг кечиши, унинг ҳуқуқий асослари, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти ёритилган, меҳнат ресурслари экспортини яхшилаш бўйича амалий тавсиялар берилган.*

***Калит сўзлар**: аҳоли, миграция, эмигрантлар, валюта, демография, бандлик.*

*В статье освещены процесс трудовой миграции в Узбекистане в годы независимости, его правовые основы, значение в экономической и социальной жизни, представлены рекомендации по улучшению экспорта трудовых ресурсов.*

***Ключевые слова**: население, миграция, эмигрант, валюта, демография, занятость.*

*The article deals with the process of migration of in Uzbekistan during the years of Independence, its legal basis, its importance in the economic and social life, and the article contains recommendations for the improvement of exportation of labour resources.*

***Key words**: population, migration, emigrant, currency, demography, business.*

---

Собиқ Иттифоқ парчаланганидан кейин Ўзбекистонда миграция жараёнлари ўзига хос равишда кечди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида республикадан русийзабон ва бошқа миллатларнинг кўчиб кетиши ва, аксинча, Ўзбекистонга қўшни давлатлардан ўзбекларнинг кўчиб келиши тенденцияси кучая бошлади [1.28 ]. Аҳоли миллий таркибида жиддий ўзгаришлар рўй берди.

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолиси 32 миллиондан ошиб кетди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: "...аҳолимизнинг сони ва таркибини ҳисобга олиб, аҳоли бандлиги муаммосига доир тизимли ишларни давом эттиришимиз зарур" [2] , дея таъкидлади. Дарҳақиқат, республикада меҳнат ресурсларининг йил сайин ўсиб бориши иш билан бандликни таъминлаш борасида муайян қийинчиликларни келтириб чиқариб, меҳнат ресурсларининг ташқи миграциясини кучайтирди. XX аср 90-йиллари охирида Ўзбекистондаги ташқи миграция ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатадики, ўзгаришлар, аввало, миграцион алоқаларнинг ҳудудий жиҳатдан кенгайиши билан боғлиқ бўлиб, улар ҳам ижобий, ҳам салбий хусусиятга эга. Салбий оқибатларга малакали меҳнат ресурсларининг республикадан ташқарига чиқиб кетиши, чет давлатларда ўзбеки-

стонлик мигрантлар ҳуқуқларининг бузилиши кабиларни мисол қилиш мумкин. Чет давлатларда ишлашни истовчи фуқаролар меҳнат қилиш имкониятларининг кенгайиши, бунинг натижасида республикада иш ўринларининг бўшаши, қишлоқдан шаҳарга миграциянинг кучайиши, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши, хорижий валюта маблағларининг кириб келиши каби омилларни эса ижобий жиҳатлар сирасига киритиш мумкин [3.58].

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демографик вазиятнинг асосий хусусиятларидан бири меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг кўпайиб бориши ҳамда бандлик масаласининг долзарблашуви ҳисобланади. Юртимизда ишчи кучидан оқилона фойдаланиш йўналишларидан бири уларни янги иш ўринлари билан таъминлаш ҳисобланади. Шу билан бирга, мустақил ташқи сиёсат олиб бориш имконияти республикада ёш ва малакали меҳнат ресурсларини жаҳон бозорига чиқариш орқали ишчи кучи экспортини амалга ошириш билан бандлик сиёсатида барқарорликни таъминлашга замин яратади.

Ўзбекистон фуқаролари хорижий давлатларда, жумладан, МДҲ давлатлари (асосан, Россия ва Қозоғистон) ва Жанубий Корея, БАА, АҚШ, Исроил, Япония, Германия, Буюк Британия, Малайзия каби давлатларда ишлаб келмоқда. Бу соҳадаги ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиб туриш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига асосан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурида Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ташкил этилди. Агентликнинг асосий вазифаси сифатида ишчи кучларини четдан келтириш ва четга чиқаришни бошқариш этиб белгиланди [4.19]. Республика Президентининг бир қатор қарорлари фуқароларнинг хорижга чиқиши ва хорижий фуқароларнинг республикадаги фаолиятини [5] тартибга солиш, такомиллаштиришга [6.17] қаратилди. Республикада, жумладан, Фарғона водийсида ишчи кучларининг хорижий давлатларда меҳнат қилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 14 июлдаги “Ишчи кучларини олиб келиш ва ташқарига олиб чиқиш масалаларини тартибга солиш тўғрисида”ги, 2003 йил 12 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат фаолиятини ташкиллаштиришни мукаммалаштириш тўғрисида”ги, 2017 йил 15 майдаги “Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларига ва шу қарорлар билан тасдиқланган Низомга асосан амалга оширмоқда [7.453]. Мазкур қарорларнинг асосий мақсади меҳнат миграцияси борасида давлатлараро ҳамкорликнинг ўсиб бораётгани, Ўзбекистон фуқароларини ишга жойлаштириш учун иш ўринлари яратиб бериш хоҳишини билдирган мамлакатлар ва чет эл компаниялари сонининг кўпайганини ҳисобга олган ҳолда республика фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чиқиб кетишини ташкил этиш тизими ва унинг механизмини тартибга солиш, фуқароларнинг хорижда ишга жойлашишини таъминлайдиган меҳнат органлари инфратузилмасини янада ривожлантиришга қаратилди.

Ҳозирги кунда кўплаб хорижий мамлакатлар, айниқса, МДҲ давлатлари, хусусан, Россия ва Қозоғистон билан ишчи кучи экспортини янада кенгайтириш имкониятлари мавжуд. Бунинг асосий омиллари ушбу мамлакатларда меҳнат ресурсларига бўлган талабнинг юқорилиги, нисбатан юқори маош олиш имкониятининг мавжудлиги, айниқса, тарихий омиллар таъсири ва барқарор давлатлараро алоқаларнинг йўлга қўйилгани, қолаверса, халқлари орасида руҳан яқинлик кўникмаларининг мавжудлиги, тил муаммосининг йўқлиги ҳам сабаб бўлади. Бундан ташқари, юртимиз фуқароларининг чет элларда ишлашга хоҳиши ҳам катта аҳамиятга эгаки, республика аҳолисининг Россия ва Қозоғистонга ноқонуний миграцияси юзага келгани бунинг исботи деса бўлади.

Шу билан бир қаторда, меҳнат ресурсларининг муайян бир қисми давлат органлари билан ҳеч қандай келишув ва шартномасиз, яширин тарзда хорижий мамлакатлардаги фирмаларда ишламоқда. “Нолегаллар”, асосан, АҚШ, Бирлашган Араб Амирлиги, Жанубий Корея ва Грецияга шундай яширин йўл билан ишга кетмоқда [8.55]. Йиллар давомидаги бундай фаолият ушбу ҳаракатларни янада кенгайтириш заруриятини юзага келтирган. Фуқароларни Япония, Жанубий Корея ва бошқа давлатларга бориб ишлаб келишлари учун имкониятларни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Масалан, 1995-2004 йилларда республика Меҳнат Вазирлиги томонидан хорижий мамлакатларга 89 минг меҳнат ресурслари юборилди. Жумладан, жанубий Кореяга 1995-2008 йилларда 24 мингдан ортиқ мигрантлар юборилди. Унчалик кўп бўлмаган мигрантлар вақтинчалик ишлаб келиш учун АҚШ, Малайзия, Бирлашган Араб Амирлигига (БАА) жўнатилди [9].

Ўзбекистон МДҲдан ташқари жаҳоннинг яна кўплаб мамлакатларига ишчи кучи экспортини муваффақиятли амалга ошириши мумкин. АҚШ, Канада, Австралия, Европа Иттифоқи, Жанубий Корея, Япония, Хитой мамлакатлари шулар жумласидандир [10.99].

Жаҳон меҳнат бозорини ўрганиш, хорижий мамлакатлар билан ҳуқуқий ҳамкорликни амалга ошириш, норасмий ташқи миграциянинг олдини олиш долзарб масаладир. Шу орқали миграциянинг салбий кўринишларига барҳам бериш, чет мамлакатларда ишлаётган ишчи ва хизматчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни республика Конституцияси ва қонунларидан фойдаланишлари учун кўмаклашишга эришилади.

Водийда расмий миграцияни кенгайтириш орқали чет давлатларда фаолият юритаётган ишчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, ички бозорда талаб ва таклиф мувозанатига эришиш, миллий даромадга республика фуқаролари ишлаётган давлатлар валютасининг келиб қўшилишига эришиш, ташқи валюта тушумларини кўпайтириш, тажриба алмашишни кенгайтириш, хориждаги меҳнатни ташкил этиш, уни бошқариш, замонавий билим олиш каби йўналишлар бўйича тажриба алмашиш, ишсизликка қарши курашиш, тажрибасизликдан халос бўлиш, бандлик муаммосини бартараф этиш янада кенгаяди. Шу йўсинда меҳнат бозорида талаб ва таклиф мувозанатини барқарорлаштиришга эришилади.

Ҳозирги халқаро иқтисодий алоқаларда айрим ишчи кучларини экспорт қилувчи мамлакатлар учун бу соҳа валюта тушумларининг асосий манбаи бўлиб келмоқда. Ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган дунёнинг кўпгина давлатлари, жумладан, Миср, Покистон, Туркия, собиқ Югославия давлатлари, Никарагуа, Португалия, Ҳиндистон, Испания, Иордания ва бошқа мамлакатларда ишчи кучи экспортидан келадиган даромадлар экспорт тушумларининг асосий манбаига айланган**.** Масалан, 1999 йилда Туркия, Португалия ва Марокашга хорижда ишлаётганларнинг пул жўнатмалари миқдори мамлакат экспорт ҳажмининг 25-40 фоизини ташкил қилган [11.21].

Ишчи кучи миграциясининг йўлга қўйилиши республикага чет эл валюта тушумини янада кўпайтиради. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки маълумотларига кўра, 2002 йилда келиб тушган валюта миқдори 310,81 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 790 млн.га етди. 2006 йилда эса 1,3 млрд. дан ошди ва ЯИМнинг 8,02 фоизини ташкил этиб, хорижий инвестиция ва кредит кўрсаткичларига нисбатан 2,2 марта кўп бўлди. Айтиш жоизки, бу маълумотлар расмий ўтказмалар билан боғлиқ бўлиб, халқаро экспертлар фикрига кўра, мазкур қиймат норасмий ўтказмалар ҳисобига яна 50% ошиши мумкин [12. 46].

Дунёнинг турли мамлакатлари меҳнат бозорини ўрганиш, улар билан ҳуқуқий ҳамкорликни амалга ошириш нафақат норасмий ташқи миграциянинг олдини олади, балки унинг салбий кўринишларига ҳам барҳам беради. Норасмий миграция нафақат республика фуқаролари ёки давлатимизга, балки фуқароларимиз фаолият олиб бораётган давлатларга ҳам ортиқча муаммо келтириб чиқаради, яъни қонун бузилади, норасмий иш жараёнлари, паспорт тизимида муаммолар юзага келиши мумкин. Бундан ташқари, моддий таъминот учун чет элга норасмий чиқиб кетган фуқароларимиз, айниқса, ёшларни турли йўллар билан экстремистик оқимларга оғдириб олиш, уларнинг онгини заҳарлашга қулай имконият яратилади.

Республикамизда яширин воситачилик фаолияти мустақиллик йилларида шаклланди ва ҳозирда ноқонуний миграцияни амалга оширишда сезиларли роль ўйнамоқда. Афсуски, кўп ҳолларда воситачилик билан одам савдоси ўртасида фарқ йўқолиб қолаётир. Бугунги кунда одам савдоси дунёдаги глобал муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Одам савдоси инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларидан марҳум этиб, унинг тақдири, шаъни, келажагини оёқости қилувчи жиноят ҳисобланади. Улар айнан ишсиз ташқи мигрантлардан фойдаланишмоқда [13].

Аҳолини хорижга ишга юбориш бўйича яширин хусусий-воситачилик фаолиятини лицензиялаштириш, уларни давлат органлари назоратига олиш йўли билан қонунийлаштириш лозим. Бу чет мамлакатларга миграцияни ташкил қилиш кўламини кенгайтирибгина қолмасдан, меҳнат миграцияси иштирокчиларини ижтимоий ҳимоя билан таъминлашга ҳамда мазкур соҳанинг криминалдан холи бўлишига хизмат қилади [14.47].

Хуллас, Ўзбекистоннинг миграция жараёнларида иштирок этиши натижасида мамлакатимизда янгича муносабатлар шаклланди, янги демографик вазият юзага келди. Мазкур вазият йиллар давомида юз берган тарихий, демографик, этник, географик, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар натижасидир. Бугунги кунда ички ва ташқи миграция Ўзбекистоннинг меҳнат ресурслари орқали чет мамлакатлар билан ҳамкорлигини кенгайтиришга йўл очади. Иккинчи томондан, тўғри йўлга қўйилган миграция унинг иштирокчилари бўлмиш фуқароларимизга дунёни таниш, хорижий мамлакатлардаги ҳаёт, турмуш тарзи, иш услуби билан яқиндан танишиш, ўрганиш, тажриба алмашиш, тил ўрганиш учун жуда яхши имконият яратади; уларнинг бефарқлик, боқимандаликдан халос бўлиши ва жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашади, она юртига, ёру дўстларига нафи тегишига интиладиган қилиб тарбиялайди, эл-юрт ичида обрў орттириши, моддий таъминла-

ниши, касб-ҳунарни мукаммал эгаллашига замин бўлади. Ватан туйғусини теран англаш, ўз келажагини қуриш орқали Ватанга муносиб инсон бўлишга интилиш каби сифатларни тарбиялайди.

**Адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.–Т.: Ўзбекистон, 2016. -Б.5.

2. Убайдуллаева Р., Ата-Мирзаев О., Умарова Н. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги. –Т.: Университет, 2006. -Б.28.

3. Каримов И. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: Ўзбекистон, 2015.-Б.261.

4. Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси // XXI ASR, 2016 йил 20 октябрь.

5. Миграция рабочей силы Республики Узбекистан: проблемы и перспективы. – Т., 2001. – С.58-59.

6. “Ишчи кучларини четдан келтириш ва четга чиқаришни бошқариш тартиби тўғрисида”ги ПҚ. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 14 июлдаги 353-сон қарорига 3-илова. // Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 7-сон. 1993. – 19 б.

7. “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элга боришларини вақтинчалик тартиби”. Вазирлар Маҳкамаси қарори. 1994 йил 17 март. 141-сон. // Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 3- сон. 1994. – 36 б.

8. “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ҳамда хорижий фуқароларнинг республикадаги меҳнат фаолияти тўғрисида”. ПҚ. 1995 йил 19 октябрь. // Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида ПҚ. 2001 йил 6 апрель.

9. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ. 2003 йил 12 ноябрь. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -42 сон. 2003 йил декабрь. Расмий нашр. -17 б.

10. Вахобов А.В.,.Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар.- Т.:Бактриа пресс,2015.- 453 б.

11. Турсунов М.Д. Миллий тараққиёт моделида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш муаммолари. (Миср Араб Республикаси мисолида).Тарих ф.н...дисс. – Т. 2007. – 99 б.

12. Мустафақулов Ш. Қишлоқ меҳнат ресурсларидан фойдаланишни истиқболлаштириш. Иқтисод ф. н... дисс. – Т. 2005. – 21 б.

13. Расулова Д. Ишчи кучи миграцияси. Иқтисод ва ҳаёт. Т.,2006. – 46 б.

*Андижон давлат университети,*
*2017 йил 29 апрелда қабул қилинган*
*(Тақризчи: проф. Д.Б.Бобожонова)*